



“20” июл 2020 й.

№ 1269

Янгибозор шаҳарчаси

Бўзқалъа қишлоғидаги “Дилдора
Мақсуда” фермер хўжалигига
қўшимча ижарага ер майдони
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, “Дилдора Мақсуда” фермер хўжалиги раҳбари О.Ташмуратовнинг қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, Хоразм вилоят ҳудудий “Чорва насл” маркази Янгибозор туман вакили хулосасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Дилдора Мақсуда” фермер хўжалиги раҳбари О.Ташмуратовнинг қўшимча ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси талаби қаноатлантирилсин.
2. Бўзқалъа қишлоғидаги “Дилдора Мақсуда” фермер хўжалигига Бўзқалъа қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги №654к-контурларида жойлашган жами 4.6 гектар, шундан суғориладиган экин ери 3.8 гектар, ариқ ва зовурлар 0.5 гектар, йўллар 0,3 гектардан иборат ер участкаси қўшимча ажратиб берилсин.
3. “Дилдора Мақсуда” фермер хўжалиги ҳисобида Бўзқалъа қишлоғининг № 654, 661-контурларида жойлашган умумий ер майдони 14.7 гектар, шундан суғориладиган экин ери 3.8 гектар, боғзорлар 10.0 гектар, ариқ ва зовурлар 0.6 гектар, йўллар 0,3 гектардан иборат ер майдони эканлиги қайд қилинсин ва боғдорчилик йўналишида фаолиятини давом қилдиришга рухсат қилинсин ҳамда ижара муддати (39 йил) қилиб белгилансин.
4. “Дилдора Мақсуда” фермер хўжалигига Бўзқалъа қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги №654к-контурларида жойлашган жами 4.6 гектар, шундан суғориладиган экин ери 3.8 гектар, ариқ ва зовурлар 0.5 гектар, йўллар 0,3 гектардан иборат ер участкасида куркачилик йўналишида фаолият олиб бориш вазифаси топширилсин.
5. “Дилдора Мақсуда” фермер хўжалигига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари О.Ташмуратов ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат

кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

6. "О.Ташмуратов" фермер хўжалиги раҳбари О.Ташмуратовга:

- туман ҳокими билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;

- 2020 йил ҳосили учун сарфланган харажатлари, етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган бошқа хизматлар бўйича юзага келган қарздорликларни ҳамда 2020 йил ғалла ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитларни уч томонлама далолатнома асосида қабул қилиб олиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон ва пахта хомашёсини сотиш бўйича контрактация шартномаларини тузиш ва назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш;

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов